

Qishloq Hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 145 (6.982). Sotuvda erkin narxda

Куннинг муҳим воқеалари

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**га биноан Р.С.Азимов Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тасдиқланди.
- 2005 йил 24 ноябр кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини 2005 йил 2 декабр кунини Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.
- **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал йигини Федерация кенгашининг МДХ масалалари бўйича кўмитаси раиси В.Густов раҳбарлигидаги делегация** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова билан учрашди.
- **Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида** 10-халқаро FOODWEEK Uzbekistan-2005 озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.
- **Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасида Марказий Осиёда орнитологик ҳудудлар экотизимлари барқарорлигини таъминлаш, қушларни муҳофаза қилиш ва биохилма-хилликни асраш вазифаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**
- Тошкентда «Узикламчиранглиметалл» очик акционерлик жамияти корпоратив облигацияларининг биринчи эмиссияси тақдироти бўлиб ўтди.
- **Навоийда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони** ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори ижросини таъминлаш бўйича давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- **Жиззах шаҳридаги энгил саноат касб-хунар коллежи** ўқув устaxonаси Италияда ишлаб чиқарилган замонавий тикув машиналари билан жиҳозланди.
- **«Сихат-саломатлик йили» муносабати билан Навоий маданият ва санъат касб-хунар коллежида «Биз - соғлом қолажак тарafdоримиз!» мавзусидаги тадбир ўтказилди.**
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида йод танқислигининг олдини олиш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Фермер - жамият тараққиёти таянчи



СУРАТДА: Пахтачилик ва галлачиликда юқори натижага эришган оқ олтинлик фермер Ҳўроғул Сўпиёва. **Бахтиёр АКРАМОВ** олган сурат.

Сирдарё вилоятида узок йиллар давомида эрнинг мелиоратив ҳолатига, экинлар ҳосилдорлигига, далада ишловчиларнинг манфаатдорлигига панжа орқасидан қараб келинди.

Айрим йиллари бу соҳа ўзибўларчиликка ташлаб қўйилди. Қолоқликдан чиқиш йўллари устида жиддий бош қотирилмади. Мақсад-

ли ажратилган маблағлардан ҳам оқилона фойдаланилмади.

Ўтган икки йил давомида вилоятда бу борада янгича мазмун ва шаклда иш бошланди. Ана шунинг натижасида ҳам узок йиллик қолоқликдан сўнг Сирдарёда турли жабҳаларда ўнгла-ниш юз бера бошлади. Айниқса, 2005 йил ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси — аграр соҳада туб

бурилиш ясалди. Бу ютқунинг асосий омилларидан бири — ер эгасини топаётганлиги, фермерчилик ҳаракатининг кенг қулоч ёяётганлигидир.

Пахтачиликда, галлачиликдаги ўнглинида фермерларнинг алоҳида ўрни борлиги ҳақида ҳикоя қилувчи мақола ва суҳбатлар билан газетамизнинг учинчи саҳифасида танишасиз.

Ватанни аввал билувимиз керак

Истиқлол шу азиз Ватанни, деярли бир аср камситилган она тилимизни қадрлаш, буюк аждодларимизга муносиб яшаш имконини ҳаммамизга, ҳар биримизга берди. Ҳақли равишда тарихий мақоми тикланган давлат тилимизни шундай қадрласак, энг оддий қилиб айтганда, юртимизнинг истаган бурча-ғида шу тилда сўзласак, шукрим, ҳеч ким монелик қилмайди. Бир пайтлардагидек ҳеч кимда бу «замондан орқада қолганлик» сифатида таассурот уйғотмайди. Аждодлардан мерос қолган шу муқаддас юрт тилини менсимаслик аслида шу юртга хиёнатнинг бир кўринишига ўхшайди.

Уз тилингда эмин-эркин сўзлай билиш ҳам оддий бир ҳол эмаслигини тарих синовларида элимиз бошидан кечирди. Албатта, она тилини билиш бошқа тилларни ўрганишни инкор қилмайди, аксинча ердан беради. Шу сингари бошқа тилни ўрганиш ўз тилингни билмасликни оқловчи бир ҳолат эмас. Аваз Утар:

Хар тилини билув эмди бани одама жондур, Тил воситаи робитаи оламиндур

деб ҳар тилини билиш орқали дунё билан алоқа қилишга, олам билан ҳамдама бўлишга ундаган эди. Лекин аввал нимани билувимиз керак — энг муҳими шунда. Бу худди қариндош, дўст-биродарлардан олдин ўз ота-онангни билишинг, хурматини жойига қўйишинг керак, дегандай гап, исбот талаб қилинмайдиган жумла.

Яқинда автобусда кетаётиб бир ҳолатни кузатдим. Замонавий кийинган ўрта ёшлардаги икки аёл ярим русча ярим ўзбекча берилиб гаплашиб борарди. Улар тушиб қолган, бир рус аёли ёнидаги дугонасига истехзоли қараб деди:

—Это какой язык?

—Не знаю, только не русский, надо было у них спросить.

—Наверно, они сами не знают.

—Кажется так! —деб суҳбатга яқун ясади мийғида кулиб дугонаси.

Бу аччиқ ҳақиқат олдида ич-ичимдан мулзам тордим. Уларга диққат қилиб калаётган бир кекса аёл ноқулай ҳолга тушганимни сездим, менга қаради.

—Хали менга ўхшаб пушаймон қилишди, деди у ниманидир уйлаганча.

—Нега ундай депьисиз? — сўрадим.


Унинг кўзлари бир нуқтага тикилди, бироз тин олиб деди:

—Бир пайтлар болаларимизнинг икковини ҳам рус мактабига бергандик. Уйда ҳам деярли ўзбекча гаплашмасдик, тилдан чалғишмасин, дебмиз. Катта жойларда ўқишди, хозир ҳам ўзига тўқ. Бир-бирининг изидан бориб, Россияда уйли-жойли бўлиб қолиб кетишди. Не-вараларим ўзбекчани буткул билмайдик. Бир келиб қолишса, новара сўйиб ўзбекча гаплашолмадик, худди бегонага ўхшайди, меҳри йўқ. Болалар кўнжмайди, деб ўғилларимнинг бу ерга келгани йўқ. Фақат пул юбориб туришарди, дийдорига тўғаймайди. Бир пайтлар «русча билмайди» деб менсимганимиз кўнжлар иссиқ-совуғимиздан хабар олиб туришарди. Улғима «ўз уйинг — ўлан тушганинг» десам, «Бу мақоли болаларимга сиз тушунгандай тушунтиролмайман, қўйинг шу гапларни, фойдаси йўқ», дейди. Набираларнинг бир оғиз «буви-жон, буважон»га зор бўлиб термулишиб ўтирибмиз. Боламга деса «олиб кетаман» дейди. Соғ-омон юришини тилаймиз, холос. Тил дегани ҳаётимизни шунчалик ўзгаришириши мумкинлигини ким уйлабди! Ишонасизми, баъзан «дод» дегим келадди, икки қариянинг дарди ичиде. Болам ёнимда бўлса дейман. Хувиллаган ховли ютаман, дейди. Агар тил одама бўлса, оёғига йиқилиб ялинган бўлардим...

Кекса аёл бузғига нимадир келгандай жим бўлиб қолди. Унга нима деб таскин беришни билмасдим.

—Қўйинг, ёши бироз ўтаверса, қайтиб келадим, — дедим холос. Боласига «ўзга тилини де» дегани аслида «болам, энди мени деманг» дегани эканини хаёлига келтирмаган-да.

Бу ва бунга ўхшаган тақдирларни ҳаётда сиз ҳам кузатгандирсиз. Хали ҳам боласини бошқа мактабга беришни маъқул кўрадиган ота-оналардан бунинг сабабини сўрасангиз, қўпинча «рус мактабда ўқиса, пишиқ бўлади, яхши ўқитишди». Ўзбек мактабда бўш бўлиб ўсади», дейишди. Бундай бўш бола оғиздагини олдирадиган бўлармиз. Миллий менталитет руҳида ўсган боланинг меҳр-оқибатли бўлиши унинг бўшлиғи эмас-ку, деб ўйлайди киши. Бундай ота-оналар билан гаплашиб турганингда боласи сизни кўриб салом беришни билмас, улар «бу рус мактабда ўқийди, хафа бўлман» деб қўяди, бу бир узор ҳам. Очғичи, бундай изохга мен унчалик тушунолмайман. Чўки ҳаммаск рус танишларнинг боласини ўратиб қолсам, албатта салом беришди, улар



Ўзбек мактабиде ўқимайди-ку! Демак, на рус, на ўзбек бўлиб қолаётган фарзандлар маънавияти олдида ота-оналар бурчлидир.

Болам уйга қайтсин десанг Ававал уни тилга қайтар. Кетса бирга кетар асли Тил ва Ватан бирга қайтар.

Тилдан айрилиш ёки тилга қайтиш, бу бир кунда, бир йилда бўладиган жараён эмас. Тома-тома қўл бўлур, Томмай қолса қўл қурир» деганларидек, бу икки ҳолат ҳам бир неча йилларда рўй беради. Шундай рўй берадики, одамлар ўзлари содир этган тил ҳодисасини деярли сезмай қоладилар. Кичкина эътибор ёки эътиборсизлик қўп нарсани ҳал қилиб қўяди.

НИГОХ Оддий рекламани олайлик. Тўғри, ўзбекча рекламалар йўқ эмас. Лекин бир нарсани унутиб қўяёмиз — ҳамма рекламада матн давлат тилида тақрорланиши қонунийдир. Қўча-қўйда ҳамон фақат рус ёки инглиз тилида ёзилган қўллаб-қўллама лавҳаларига кўзингиз тушади. Баъзан бошқа бир хоржий шаҳарда юргандай бўлади киши, рекламалар ҳам кишидаги Ватан ҳиссига тасвир қилар экан-да. Пойтахтимизнинг нуфузли меҳмонхоналари негариб бошқа тилда номлангани ҳақида мағбуотда қўп чиқишлар бўлди, лекин шу кичкина эътибор ҳамон етишмаётти. Метрополитенга хар кун бир миллионга яқин йўловчи тушиб чиқади. Бекатлар ва поездлар ичидеги рекламаларнинг ақсарияти давлат тилида ёзилмаган. Бунга ҳеч ким ажабланмаётгандай, шу кичкина эътиборни яяверамиз.

«Хечқиси йўқ, шундан нима ҳам зарар келарди, кимга ҳалақит беряпти шу арзимаган нарса», деб қўя қоламиз.

Тил ортида Ватан бор, Мағзига қўп етмаслар. Эл-элатлар тилини Бежиз маҳкам тутмаслар. Она тилини севганлар Юртини хор этмайдилар. Ватани яхши кўрган Тилини унутмайди!

Ўзбекчани билмаган ўзбек деҳқонини ҳам билмайди, шу она тупроқдан беҳабар бўлади. Ўзбек деҳқонини билмагани эса Ўзбекистон деган юрт ва унинг халқини ўз боласи сифатида юрак-юракдан ҳис қилади, дейиш қийин. Биз меҳмон эмас, шу Ватан фарзандларимиз. Халиги аёлининг «невараларим бошқа икки-уч тилини билишаркан. Битта «бувижон» демаса, шунча тилини билганини нима қилай?» деб



қуонгани хар кимни ҳам уйлантирадиган ҳол. Кузатганимиз, ўзбекчани билмайдиган ўзбек боласининг маънавияти миллий менталитетдан деярли йироқ бўлади —«пишиқ»лиги шумикин?!

Тил — миллат шаъни ҳамдир. Юртбошимиз таъкидлагандек, фарзандларимиз биздан кўра қўчи, билимли, доно ва албатта бахтли бўлсин, фақат улар билимининг биринчиси — Ватанини билиш бўлсин, деймиз.

Дилором МАТКАРИМОВА

Табиат муҳофазасининг кафолати

Конституция давлатнинг асосий қонуни ҳисобланади. Унда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий асослари, сиёсий тизими, шу давлатда яшайдиган халқнинг маънавият негизлари, маданияти каби умумий масалалар ифодаланган бўлади.

Конституциявий асосда тартибга солинадиган энг муҳим ижтимоий муносабатлар сирасига атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, яъни экологик муносабатлар ҳам тааллуқлидир. Демак, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари, уларнинг атроф-муҳит-ни муҳофаза этиши билан мажбурият-ларини, давлат органлари-нинг атроф-муҳитни, табиий ресурслар-ни муҳофаза этиш-даги вазифалари Конституция билан тартибга солиниши лозим бўлган энг муҳим ва энг умумий ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Атроф-муҳитни муҳофаза этишни конституциявий асосда тартибга солишинг асосий сабабини, аввало, экологик муносабатларнинг хозирги даврда ўта кескинлигидан, унинг миллий хавфсизликка жиддий хавф-хатар солаётганлигидан, инсониятнинг генотипига салбий таъсир этаётганлигидан, табиатдаги экотизимнинг йилдан-йилга бузилиб бораётганлигидан излаш ўринлидир. Демак, атроф-муҳитни муҳофаза этиш глобал, энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, у энг юқори даражадаги қонулар, яъни Асосий Қонун ҳисобланган Конституция асосида тартибга солиниши лозим.

8 ДЕКАБР — УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

(Давоми 2-бетда)

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

Едингида бўлса, газетамизнинг жорий йил 12 июл сониде «Чойхонасиз қолган Хумсон» сарлавҳаси остида бир гуруҳ хумсонликларнинг таҳририятга йўлаган мактуби чоп этилган эди. Яқинда ушбу мактуб юзасидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман ҳокимлигидан жавоб хати олинди. Унда, жумладан, шундай дейилди:

Хат муаллифлари томони-

Чойхонасиз қолган Хумсон

«Чойхонасиз қолган Хумсон» мақоласида кўтарилган масалани атрофлича муҳокама қилиш мақсадида туман ҳокимлиги, қишлоқ фуқаролар йиғини, фаоллар ва қишлоқ аҳолиси иштирокида йиғилиш ўтказилди. Мақола йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирилди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан билдирилган фикрлардан ойдинлашдики, мақолада кайд этилган чойхона ҳақиқатан ташландик аҳволга келиб қолганлиги ва фақат бир гуруҳ фуқаролар

дан талаб этилган хона «Хумсон» ширкат хўжалигига қарашли бўлиб, у ерда қишлоқ хотин-қизларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни касбга ўргатиш мақсадида тикувчилик, қандолатчилик ва ўй хамшираси каби йўналишлар бўйича ўқув курслари ташкил этилган.

Шу билан бир қаторда, қишлоқдаги мавжуд чойхона қишлоқ аҳолиси эҳтиёжини тўла қондириб калаётганлиги ва бу борада уларнинг ҳеч қандай норозиликлари йўқлиги маълум бўлди.

«Qishloq hayoti» газетасига

2006 йилгачун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи — 144

МУЛОҲАЗА

Суд тизимини ислох қилиш, такомиллаштириш ҳамда судьялар мустақиллигини таъминлаш борасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларнинг салмоғи анчайин баланд.

Бунинг самараси ўларок, одамларимизда суд фақат жазооловчи маҳама эмас, бал-

фаолиятда, айниқса, туманлараро судларда бир қарашда кўз илғамас, аслида залворни оғир қамчиликлар ҳам борки, бундан қўя юмиш мумкин эмас.

Эътиборингизни қуйидагиларга қаратсан.

Бухоро вилояти бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида жами 6845 та фуқаролик иши судларда қўрилган

Судлар иши такомиллашса...

ки фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи орган эканлигига ишонч тобора ортмоқда.

Бу йўсиндаги муваффақиятлардан кишининг кўнгли тўлади, албатта. Аммо судлар бўлса, ишларнинг катта қисми туманлараро судларда ўрганилиши ва адолатли ҳал қилини. Мана шу ўринда бир муаммо «қалқиб» чиқади.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

YETTI-YOLIMDAN BIR SHINGIL

Амур суви заҳарланди

Россия Давлат Думасининг Экология Кўмитаси Амур дарёсининг заҳарланиши муносабати билан Хитойдан товон пули талаб этмоқда.



Шу йилнинг 13 ноябрда Хитойнинг Цзинли шаҳридаги кимёвий заводнинг портлаб кетиши сабабли Сунгар дарёсига заҳарли кислоталар оқиб тушган ва оқибатда Амурнинг суви ҳам ifлосланган эди.

Кўмита раиси ўринбосари Александр Косариков сўзларига кўра, Хабаровскда юзага келган салбий экологик вазиятни бартараф этиш учун миллион доллардан ортиқроқ маблағ сарфланиши мумкин.

Айни дамда Хабаровск ўлкасида фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

"Номзодлар нолойиқ"

Нефть ишлаб чиқариш бўйича жаҳон бозорида тўртинчи ўринда турувчи Эрон уч ойдан буён нефть вазири таянмай олмаяпти.



Мамлакат президенти Махмуд Ахмадидижоннинг бу гапга номзоди ҳам парламент томонидан рад этилди. Президент нефть вазири лавозимига шу вақтга қадар уч номзодни тақлиф этди.

Кузатувчилар фикрига кўра, президентнинг тарафдорлари Ахмадидижонни бу билан қўлламай қўйишга тўғриворганлигини намойиш этмоқда.

Парламент аъзолари эса президент томонидан илгари суриллаётган номзодлар бу соҳада етарли билимга эга эмаслиги ва улар унинг ўз дўстлари эканлигини таъкидлашмоқда.

Яширин қамоқхоналар текширилади

Европа Кенгаши қатор Европа давлатларида Америка разведкасининг яширин қамоқхоналари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни расмий текширишга киришди.



Бундан бир неча кун илгари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи "Хьюмон райтс уотч" ташкилоти ана шундай маълумот тарқатган эди.

Ташкилот вакиллари айтишича, АҚШ Марказий Разведка бошқармасининг бир қанча самолётлари Европанинг турли давлатларига терроризмда гумон қилинаётган шахсларни етказиб туради.

Тантана олдидан намойиш


Грузия маркази Тбилисдаги Руставели майдонидан рангли инкилобнинг бир йиллигига бағишланган тантананага тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.



Майдоннинг бошқа бурчагида эса бир неча кундан буён норозилик намойишлари давом этяпти. "Анти Сорос" ҳаракати остида бирлашган мухолиф партияларнинг уч мингдан зиёд аъзолари президент Саакашвили ва парламентнинг истеъфоси талаби билан чиққан. Шунингдек, намойишчилар таъбири билан айтганда, Грузия миллий аъналари ва кадрларини барбод этган Сорос Фонди фаолиятига чек қўйиш даъвоси илгари сурилмоқда.

Ранг-баранг сутлар

Швейцариянинг Nestle фирмаси Европа Иттифоқи бозорларига сотувага чиқарилган 50 миллион литр сутни қайтариб олмоқда.



Бу махсулот асосан 3 ёшгача бўлган болалар учун ишлаб чиқарилган. Компания мутахассислари маълумотича, ушбу махсулотларга ёрликлар учун тайёрланган бўёқлар тасодифан аралашиб кетган. Бу бўёқлар болалар соғлиги учун зарар эмас. Бирок кўп истеъмол қилиш давомида тексари реакция бериши мумкин.

Бу касаллик ўта хавфли


"Парранда гриппи" пандемияси одамлар орасида гайриоддий пневмониядан 38 марта тезроқ тарқалиши мумкин. Гонконг соғлиқни сақлаш маркази шу ҳақда маълум қилмоқда.

Марказ олимлари фикрича, гайриоддий пневмонияга чалинган одамлар бир ойда 27 кишига касаллик юктирса, "Парранда гриппи" билан оғриган кимса 1024 та одамни зарарлаши мумкин.

Шу вақтга қадар бу касалликдан Осиеда 800 нафар одам ҳалок бўлган. Улардан 299 таси Гонконгга тегишлидир.

Будда қайта туғилдими?

Непал жунглисида янги Будда пайдо бўлган.



Мана етти ойдири 15 ёшли Рам Бахадур Бандхон бир дарахт остида медитация ҳолатида ўтирибди. У сув ҳам, озиқ-овқат ҳам истеъмол қилмайди. Уни зират қилиш учун ҳар кун 10 минглаб одамлар бу ерга ташириб буюради.

Табиат муҳофазасининг кафолати

(Боши 1-бетда)

Бундай хулосага келишимизнинг асосий сабаби шундаки, экология муаммоси давримизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, унинг хавфи ҳатто ядро хавф-хатаридан ҳам даҳшатли ҳисобланиб, у бутун ер шарни халқларини ташвишга солмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда заминимизда қишлоқ ҳўжалигига яроқли ерларнинг 70 фоизи, чўчүк сувларнинг 20 фоизи ўзлаштирилиб фойдаланилмоқда, ўрмонлар эгаллаган майдонлар йилдан-йилга камайиб бормоқда, чўл зоналарининг майдони охирига ҳар йили ўсиб бориб, табиий захиралардан хўжалик мақсадларида янада кўпроқ фойдаланишга тўғри келмоқда.

Шунингдек, техниканинг, сановат корхоналарининг ривожланиши ҳам атроф-муҳитга жиддий зарар етказмоқда. Буларнинг оқибати ўлароқ дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашиши билан боғлиқ турли хил касалликлар келиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддасида республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирishiларини таъминлашга интилади, дейилган. Бундан ташқари, Асосий Қонуннинг 37-моддасида фуқаролар адолатли меҳнат шартлоарида ишлаш ҳуқуқига эгалиги ўрнатилган. Бу мақсадга эришиш фуқароларга қулай табиий атроф-муҳит яратиш бериши ҳам тақозо этади.

Илгариги табиати муҳофазаси қилиш қонунлари тизимида инсон ва фуқаролар манфаатларининг давлат ва унинг органлари манфаатларига бўйсунishi тасмийлаштирилган эди. Шунга кўра, экологик-иқтисодий тизимда табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш бош элемент, уларни муҳофазаси қилиш эса иккинчи даражада сифатида қараб келинди. Бундай шартлоарида инсонлар ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишнинг хўжалик фаолиятидан устуворлиги муаммолари, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитда меҳнат қилиш ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаши таъмин этиш иккинчи даражага суриб қўйилмасдан иложи йўқ эди.

Атроф табиий муҳитни муҳофазаси қилишда мустақил давлатимизнинг Конституцияси асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Унда атроф табиий муҳитни муҳофазаси этиш, табиий ресурсларга мулкчилик ҳамда улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган бўлиб, шу асослар бўйича табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофазаси этишга бағишланган қонунлар тизими яратилган. Бу қонунлар тизимида давлатимизнинг экологик сийсати белгиланган бўлиб, улар атроф табиий муҳитни муҳофазаси этишга хизмат қилиб келмоқда.

Аммо, табиий муҳитни муҳофазаси этишга бағишланган конституциявий меъёларнинг барча қоидалари ҳам жорий қонунлар билан тўла ва ҳар томонлама ривожлантирилган, дея олмаймиз. Негаки, бу масала бўйича ҳали ўзининг ечимини қутаётган муаммолар ҳам талайгина. Буларга табиий атроф муҳитни муҳофазаси этишга қаратилган ягона кодификацияланган меъёрий ҳужжатнинг ҳозиргача қабул қилинмаганлиги, ўрмон муносабатлари тўғрисида қонунчиликдаги камчиликлар, табиий ресурсларга мулкчилик муносабатларини ўрнатилган Конституциянинг ўзигади айрим ноаниқликлар ва бошқаларни санаб кўрсатиш мумкин.

Шу сабабдан, табиий муҳитни мукамал муҳофазаси қилиш мақсадида Экология кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ўрмон муносабатларини тартибга солишини тақомиллаштириш мақсадида ўрмон кодексини қабул қилиш Конституцияда табиий ресурсларга нисбатан мулкчиликни бугунги кун бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, аниқ белгилаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Муҳаммад УСМОНОВ, юридик фанлари доктори, профессор

ХОРАЗМ ТОМОНЛАРДА Сифат ва салмоқ юқори

Хазорасп туманидаги Питнак пахта тозалаш заводида айни кунларда ишлаб қизгани. Илк махсулотнинг сифат ва салмоқ баъри хушнуд этмоқда.

Шартнома қилинган 273 та фермер хўжаликлари, МТПлар ва ташкилотлар ҳисобидан қилинган 8876 тонна пахтанинг 93 фоизи юқори навларга қабул қилингани натижасида ундан чиқаётган тола 33,3 фоизга ташкил этапти. Шу кунга қадар корхонада 2500 тонна хомашё қайта ишланиб, ундан 825 тонна сифатли тола олинган.

Илмий анжуман

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида "Гостроинтерология" ва диетологиянинг долзарб муаммолари"га бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Унда овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини борасида маърузалар тингланди ва баҳс мунозаралар олиб борилди.

Янги коллежлар

Урганч ахборот ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи янги бинога кўчиб ўтди.

Эндилкида маъзур билим маскани 750 нафар йигит-қизларнинг муносиб касб-ҳунар ўрганишлари учун хизмат қилади.

Урганч тумани сановат транспорт касб-ҳунар коллежи ҳам ёшлар учун муносиб совға бўлди. "Оби ҳаёт" ЛТД масъулияти чекланган жамияти ходимлари қисқа муддатда 800 ўринга мўлжалланган билим масканини барпо этишди. Бу ерда 10 та йўналиш бўйича йигит-қизларга таълим берилади.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Судлар иши такомиллашса...

(Боши 1-бетда)

Маълумки, вилоятда туманлар орасидаги масофа анча узок. Устига-устак туманлар ўртасида транспорт қатновчи янги йўлга қўйилмаган. Мана шундай шартлоарида фуқаролар судга оддий ариза топшириш учун ҳам 50-100 километр узоқликдан йўл босиб келишиди. Масалан, Қорақўл туманлараро фуқаролик судига Олот, Жондор туманларидан, Ғиждувон туманлараро фуқаролик судига Шофиркон, Вобкент ва Пешку туманларидан фуқаролар минг бир сарсон овозагарчиликлар билан келишиди. Турги, фуқароларнинг бу "оғир"ни енгили қилиш мақсадида ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш ташкил этилган. Бирок, сайёр суд мажлисларида ўтказиш ортида ҳам қатор муаммолар "бўй" кўрсатмоқда.

Фуқароларни қабул қилиш ва ишларни кўриш сайёр суд шаклида ҳар бир туманининг ўзида имкон қадар олиб борилса-да, бир куннинг ўзида ҳам фуқароларнинг қабул қилиш, ҳам суд жараёниларини ўтказиш битта судья учун

нечоглиқ машаққат туғдиришини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундан ташқари мутлақ хассисларнинг, гувоҳларнинг, ишга дахлдор шахсларнинг келмаслиги суд жараёнининг бошқа кунга қолдирилишига сабаб бўлади. Бундан даввогар ва жавобгарлар, уларнинг адвокатлари, инчунун, судьялар кўпроқ овозра бўлишиди. Ўз-ўзидан бу тарзда вақтнинг, меҳнатнинг ва харajatларнинг беҳуда сарфланиши кўрилатган ишлар сифатида салбий таъсир этмай қолмайди.

Хозирда умумий ҳисобда туманлараро фуқаролик судида ўртача икки нафар судья фаолият олиб боради. Ана шу икки нафар судья ў ёки тўрт туманда яшовчи фуқароларнинг ишларини белгиланган муддатда ва тартибда кўришлари шарт. Улар асосий ишларни туманларда сайёр суд мажлисларида кўришлари шарт. Улар асосий ишларни туманларда сайёр суд мажлисларида кўришлари шарт. Улар асосий ишларни туманларда сайёр суд мажлисларида кўришлари шарт.

Гувожи бўлганини – кадрлар муаммоси танганинг бир томонидан ва айни пайтда туман судларида техник таъминотнинг талаб даражасида эмаслиги ҳам эътиборга мо-

Турмуш ўртоғи билан чиқиша олмай, оиласидан ажралган Моҳиғул онасиникида яшарди. Шу йилнинг 17 июл кунини нима ҳам бўлди-ю уйдагилар билан ҳам жанжаллашиб қолди. Аразлаб уйдан чиқиб кетди. Елғиз аёл қаерга ҳам борарди? Дугонаси Дилбар эсига тушди-ю кўнглининг бир

Бироздан сўнг Дилбарнинг Раъно исмли дугонаси ҳам кириб келди. Учовлон суҳбатлашиб ўтиришди. Намозомга яқин Раъно билан Моҳиғул чиқиб кетти. Соат кеч 8 ларда Дилбар ҳам кўчага чиқмоқчи бўлиб, пул олиш учун ётоқхонасидаги ойна олдида – деди Дилбар Моҳиғул билан ишлайдиган Махмуд акага. – Менга телефон апарати керак эмас, – деди ўз навбатида у. – Моҳиғул келтирган "Нокия-6600" русумли телефон апарати, ҳў ана, ошқонада турибди.



Турган қутини очди. Очди-ю ранги қув ўчди. Тилла тақинчоқлар жойида турибди-ю, аммо пули йўқ. Оз эмас-кўп эмас, 600 минг сўм-а! Ўзини йўқотиб қўйган Дилбар қорунинг уйида тунани.

19 июл кунини Дилбар онасиникига борди. Бир маҳал телефонда уни сўраб қолдиши. Гушакни олган Дилбар дардор таниди. Моҳиғулнинг онасиникига кўриб қилаётган эди. Она барибир она-да. Қизидан хавотир олган, уни излаган. Ушанда қаттиқроқ гапириб юбордим чоғи, деб изтироб чеккан. Ана шуни ҳис этган Дилбар "Моҳиғул меникида. Кечкурун келсанизга кўнгирак қиламан", дея оназорни тинчлатирди. Кеч тушиб, уйига Моҳиғул кириб келган паллада эса сездирмай унинг онасига телефон қилди. Моҳиғулнинг онасиникига келиб олиб кетди.

22 июл кунини эса унинг уйига яна Моҳиғул кириб келди. – Мендан дафла эмасмиан? – сўради Халба у билан илликча кўришгач. – Йўқ, ҳаммаси жойида, уйдагилар билан ярашдим, – деди. Моҳиғул хотиржам охангда.

У 24 июл кунини минг истиҳола билан Моҳиғулга кўнгирак қилди. Телефон апаратини сўраганида, у ҳеч нарса олмаганини билдирди. Шундан сўнг Моҳиғул ишлайдиган ишонага бориб, таваккал қилишдан бўлак иложи қолмади.

ват устида турган телефонига қўл узатди. Тавба, нима бўлапти ўзи? Боя "Нокия-6600" русумли уяли телефон апаратини электр манбаига улаб қўйганми. У ҳам гоийб бўлибди. Ким олган бўлиши мумкин? Балки дугонаси Моҳиғул... ҳазиллашгандирми?..

У 24 июл кунини минг истиҳола билан Моҳиғулга кўнгирак қилди. Телефон апаратини сўраганида, у ҳеч нарса олмаганини билдирди. Шундан сўнг Моҳиғул ишлайдиган ишонага бориб, таваккал қилишдан бўлак иложи қолмади.

– Сизнинг Моҳиғулдан телефон апаратини сотиб олмоқчи эканлигингизни эшитдим,

Дилбар шунда ҳам сир бой бермай Моҳиғулга юзланди: "Телефонни қайтариб бер. Пул керак эмас", деди. Аммо Моҳиғул яна ўша жавобни қайтарди: "Телефонингни ҳам, пулингни ҳам олганим йўқ. Тамом-вассалом". Шундан сўнг Дилбар жабрланувчи сифатида милиция ходимларига мурожаат қилди. Воқеаларнинг кейинги ривожини хусусида батафсил тўхталиш ниятида эмасмиз. Мазкур жиноий ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди Моҳиғул Халимовага 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлаш ҳақида ҳукм чиқарди. Энди у ишлаб топган маошининг 20 фоизини давлат ҳисобига ўтказиб боради.

Таъкидлаш жоизки, Моҳиғул Халимовадек жиноий ишга қўл урғун, эл-юрт олдида ўзи шувури бўлиб қолган хотин-қизлар сонини вилоятда оз эмас. Ўтган тўққуз ой давомида улар томонидан 349 та жиноят содир этилган. Бу қўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги га нисбатан 87 тага кўпайгани ташвишланарлидир.

Муаммонинг ечимини

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг шу йил 30 сентябр сонидаги "Гўшт қиммат...ми?" сарлавхали мақолани ўқиб, ўзимни ҳам анчадан бери ўйлатиб келаятган фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчи лозим топдим.

Айтданларки, осмонда беҳудага чакмоқ бўлиб қачнагандан, бир қамбағали кўмсонини қайнатганинг афзал. Ажабмаски, газета саҳифаларида уюштирилган баҳс-мунозаралар сабаб бўлиб, гўшт етиштиришни камчиқим йўллари топилса. Хақиқат баҳсларда тўғрилади, дейишадими-ку!

Бизлар фан-техника ривожланган XXI асрда яшаймиз. Гўшт нархини қимматлиги каби муаммоларга илмий ёндашишимиз керак. Биринчи навбатда, гўшт йўналишидаги насли қорамол сонини кўпайтириш чунки бурдоқига боқилган жавдари новвос тирик вазирига нисбатан 40 фоиз миқдорда гўшт берса, гўшт йўналишидаги насли новвослар 60-65 фоиз миқдорда гўшт қилади. Бошқача қилиб айтсак, тирик вазири 500 килограмм тош босган жавдари новвос 200 килограмм гўшт қилган ҳолда, бу қўрсаткич насли буюқларда 300-325 килограммга етади. Гўштининг тўғриворлиги даражаси ҳам насли бурдоқиларда бирмунча юқори бўлади. Шундан келиб чиқиб, бурдоқига боқиладиган қорамолларни гўшт йўналишидаги насли моллар бўлишига асосий эътиборни қаратишимиз ўта муҳимдир.

Иккинчи бир муаммо: бурдоқчилик учун муҳим бўлган омухта ем етиштиришдир. Хозирги кунда ишлаб чиқарилаётган омухта емнинг асосий қисмини буғдой чиқиндисиди, яъни буғдой қапаги ташкил қилади. Афсуски, омухта ем таркибида маккажўхори дони, арпа каби озуқалилик бирлиги юқори бўлган тўғриворлиқ донларнинг қамлиги оддий ҳолга айланиб қолди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, буғдой келатининг 1 килограммида 0,75 озуқа бирлиги бўлса, арпада 1,15, маккажўхори дониди 1,33 озуқа бирлиги мавжуд.

Тўғриворлиқ омухта ем етказиш мақсадида республикамизда буғдойдан бўшанган экин майдонларига дон учун маккажўхори экишга аҳамият бериш зарур. Албатта, унинг юқори ҳосилли тезишлар навларини парваришдаш керак.

Учинчи оғирлиги муаммо: аҳолига сотилаётган қунжарани қимматлигидир. Ем танқислиги пайтларида қунжарани килоси 150-160 сўмга етади. Бу сингари муаммоларни ҳал этиш мақсадида хозирда ё-ғ-мой ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг жойларда шохобчалари очилаётгани аниқ мудаас бўлди.

Энди катта йўл ёқаларида чорва озуқасини пуллаётган "ем-фуруш" тадбиркорларини ҳам тегишли мутасадди ташкилотлар назоратда олиш керакка ўхшайди. Ана шунда гўшт етиштирувчиларнинг сарф-харajatлари камайиб, гўштининг баҳосидан ҳеч ким оғринмайди.

Шу ўринда муаммо ечимини ҳал этиш борасида умидли хушхабар. Республикамазда Андижон вилоятида биринчи бўлиб 4100 оқилга 2,5 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди. Ушбу кредит олувчиларнинг кўп қисми чорва моллари сотиб олиши ва уларни ҳарфала билан парваришлаймоқдалар. Албатта, арзон гўшт етиштириш борасида Республикада ҳукумат томонидан дадил ташланган қадимлар ўз самарасини беради. Ниятни амалга ошириш учун эса барча-қимтинг характеримиз лозим бўлади.

Анваржон ХАЛИМОВ, Пойтуғ шахри.

Истам ИБРОҲИМОВ

АКСА-САДО

МАЗЗУ

ИБРОҲИМ НОРОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди раиси.

ФЕРМЕР - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ТОЯНЧИ

№ 2

Гапнинг рости, сўнгги йилларда асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган Сирдарё вилоятида наинки аграр тармоқда ўсишни, балки барча соҳада бирдек ўнгиланишни кузатамиз. Айниқса, бу йил галлачиликда ҳам, пахтачиликда ҳам силжиш ясаган сирдарёликларнинг юзи ёруғ, қадди тик бўлди. Бунинг боиси, вилоятда ернинг тақдирини у билан тиллаша оладиган инсонларга - фермерларга ишониб топшириш ва уларни қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди. Фермерлар сафининг кўлами кенгайишига зарур шароитлар яратилди ва яратилмоқдаки, бунинг самараси ўлароқ, ўн йилдан зиёд бир жойда "депсиниб" турган вилоятда бугун ўзгаришлар катта, ислохотлар жадал тусда. Зеро, англаб етилдики, айнан фермерчиликдаги ривожланиш жамият тараққиётини, эл ризқининг бутлигини таъминлайди. Юрт қудратини оширади. Шу маънода фермерни жамият тараққиётининг таянчи, десак арзийди.

Бугун Сирдарёда фермерлар сони 8412 тани ташкил этади. Вилоятда режада белгиланган пахта ва галла ҳосилини тайёрлашда ана ўша фермерларнинг улуши тўқсон фоиздан ошгани эса қишлоқ хўжалигиде мулкдорларнинг кўпайиши энг ишончли йўл эканлигини яна бир қарра исботлади.

Сирдарё вилоятида бўлганимизда, фермерларнинг қувончлари, ташвишлари билан яқиндан танишгимиз келди. Саволларимиз билан замонамиз киши - фермернинг кўнглидаги гапларни билишга интилдик.

Бугун фермернинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун қандай чоралар кўрилаяпти? У кўпроқ қай ҳолларда "қоқилаяпти"?

Абдулазиз НАЗАРОВ, Сирдарё вилоят прокуратораси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси:

- Йўқ, бугунги фермер ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини жуда яхши англаган ҳолда фаолият олиб борапти. Фермерларимиз орасида ерни олиб, бошқаларга ноқонуний сотганлар ҳам ёки айни чолик, култивация пайтлари даласизлашган, уйига қандай қилиб, алақабат еридан даромад оломай қолганлар ҳам топилди. Бироқ улар ҳам энди яхши билишадими, фермерни боқадиган - ер, унга эътиборсизлик эртага ҳаменин зарар.

Фермерларимиз - ку ҳуқуқларини билишди, аммо баъзан ҳақларини талаб қилишга келганда чўчишди. Мана шундай кезларда биз-

нинг аралашувиимизга тўғри келяпти.

Масалан, Сирдарё вилоят "Оқолтиндон" хиссадорлик жамияти мансабдор шахслари жорий йилда топширилган галла бўйича контрактация шартномавий мажбуриятларини бажармаганликлари натижасида 32 та фермер хўжалигига кўп миқдорда моддий зарар етказилган. Ёки минерал ўғитлар тарқатиш шохобчаларида ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилган шахслар ҳам йўқ эмас. Ёнг ёмони, бу каби салбий ҳолатлар фермерда ишонсизлик кайфиятини уйғотиши мумкин. Ишонсизлик эса ишга рағбатни ҳам сўндирди.

Фермернинг "қоқилаётган" жойи ҳам ана шу - айрим мансабдорларнинг фермерга бепулдан қўйилган шартномавий мажбуриятлари. Ваҳоланки, бугун бир ҳақиқат аён: фермер - жамият суянадики, жамият ишонадиган мулкдор. Унинг ризқига чанг солиш ал ризқига чанг солиш билан баробардир.

Фермернинг дунёқарашини бугун қай даражада шаклландирапти? Унинг маънавий олами ибрат бўлгуликми?

Раҳмонқул ГУЛМУРОДОВ, "Эшамат ота" фермер хўжалиги раиси, Бобвут тумани:

- Бугунги фермер 9 йиллик ўрта маълумот билан мактабдан бошқа даргоҳни кўрмаган бўлиши мумкин. Борингки, у умри давомида фақат сувчилик билан нон топиб келган ва ислохотлар жараёнида идроки, ҳаракати билан (тасодиф эмас, чунки бугун фермерчилик тасодифан кириб қолганларнинг машаққатли масъулиятини билмаганликлари учун арвақини тортолмай қолдилар) фермерга айлангандир. Лекин унинг дунёқарашини, савиясини паст деб бўлмайди. У жуда яхши фахлмайдики, ҳақ-ҳуқуқини билмас, тегишли жойларда уни талаб қилолмас, туртанинг ичига кирганида саводсиз кўринса, фермерликни бир четга йиғиштириб қўя қолгани маълум. Чунки фермернинг жамиятга таъсири ҳеч бир зибелинидан кам эмас.

Албатта, фермернинг китоб ўқиш туғул, газета varaқлаш, ҳатто телевизор кўришга ҳам вақт ажратиши кийин. Даланинг иши оғир, кези келса на ойишда, на ичишда ҳаловат бўлади. Аммо фермерлик ҳам бошқа соҳалар каби кенг билимни, савияни талаб қилаяпти. Бунга жавоб беролмаганлар эса рақобатда "синаяпти".

Қолаверса, фермерларимиз ҳар йили 10 кун давомида иқтисодий, ҳуқуқий, агротехник билиминини ошириш мақсадида ўқитилади. Шу ўринда бир тақдирим, мана шу ўн кун давомида 300-400 фермерни бир аудиторияга йиғиб оммавий ўқитиш эмас, балки ҳар бир фермернинг мажбуриятини ошириб бориш, фермерларни ҳам ўқитувчи ёки молиячилар каби индивидуал малакали ўқитиш тизими йўлга қўйилса, билимлари баҳоланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фермернинг турмуш тарзини изга тушдими? Унинг оилавий ҳаётда ҳаловати борми?

Барот ЖўРАЕВ, "Одил" фермер хўжалиги раиси, Гулистон тумани:

сурадиган пайтим. Лекин мен кексалликни бўйнимга олиб, ҳассага суняиб қолганини ис-тамайман. Шунинг учун ҳам нафақага чиққан, бор вақтимни, кучимни еримга бағишладим. Чунки мени ҳам, болаларимни ҳам боққан мана шу ер. Агар у бўлмаганида биргина ўқитувчининг маоши билан болаларимни ўқита олмаган, уларнинг эгини бут, қорнини тўқ қилолмаган бўлардим.

Фермерликни танлаб, кам бўлмадим. Айримлар "Энди пулингиз кўп. Болаларингиз уйли-жойли..." Санаторийларга бориб, маза қилиб дам олмайсизми? дейишди. Менинг санаторийим ҳам, дам оладиган қадрдон гўшам ҳам - далам. Мен болам ва далам деб яшаб келдим. Менинг ҳузур-ҳаловатим ҳам ана шулар.

Фермерликни танлаб, кам бўлмадим. Айримлар "Энди пулингиз кўп. Болаларингиз уйли-жойли..." Санаторийларга бориб, маза қилиб дам олмайсизми? дейишди. Менинг санаторийим ҳам, дам оладиган қадрдон гўшам ҳам - далам. Мен болам ва далам деб яшаб келдим. Менинг ҳузур-ҳаловатим ҳам ана шулар.

Фермерликни танлаб, кам бўлмадим. Айримлар "Энди пулингиз кўп. Болаларингиз уйли-жойли..." Санаторийларга бориб, маза қилиб дам олмайсизми? дейишди. Менинг санаторийим ҳам, дам оладиган қадрдон гўшам ҳам - далам. Мен болам ва далам деб яшаб келдим. Менинг ҳузур-ҳаловатим ҳам ана шулар.

Фермер нега ўз мажбуриятини бажаролмади?

Узбек ЮСАНОВ, "Итти-фок" фермер хўжалиги раиси, Сардоба тумани:

- 32,2 гектар ерим бор. Унинг 17,2 гектарига пахта, қолганига галла экиб, белгиланган режани бажаришим керак эди. Фаланнинг режасини ошиғи билан бажариб, ҳатто эшигим оғзида 15 тонна дон тўқдим. Лекин пахтани топширишга доир мажбуриятимни бажаролмадим. Сабаби, ернинг мелиоратив ҳолати ёмон. Ўз вақтида экилган чигит ернинг ноқоблиги боис 20 кун дегаданда зўрға униб чиқди. Май ўртасидаги дўл эса сийрак кўчатларни янада сийраклаштирди. Оқибатда пахта ҳосили кутил-гандек бўлмади.

Самандар АБДУНАЗАРОВ, "Қасб" фермер хўжалиги иши юритувчиси, Сардоба тумани:

- Фермер хўжалигимиз раисини кам Мамадиёр. У бақорда фойжа юз берди, юролмай қолган, унинг мажбуриятларини мен бажариб келаятман.

Бу йил пахтадан ҳам, галладан ҳам режани удаллолмадик. Юзми-уз ер қаради. Даромадсиз қолдик... Бунинг учун ҳеч қимни айбдор санай олмаймам. Ўғит масаласида ҳам, ёнилғида ҳам муаммо бўлмади. Банк ҳам биз - фермерларга берилиши лозим маблағни узиб қўйгани йўқ. Бироқ мияг ҳаракат қилма, ернинг дарди бўлса, сен кўптан ҳосилини бермас-канд...

Еримиз 49,4 гектарни ташкил қилади. Унда мажкул туртта дре-наж эса ишламайди. Натикада ернинг мелиоратив аввали ўнган-мади.

Албатта, бу баҳона бўлолмайди... Чунки ер эгаси - фермер, унинг ерини ҳеч қим четдан келиб гуржиратайди. Мен бунга энди ту-шунаймам.

Изоҳ: Лекин "Мақсуд қасб" фермер хўжалиги билан бир кон-турда жойлашган "Қосим" фермер хўжалиги галла ва пахтадан бел-гиланган режани ошиғи билан бажариб, ўз мажбуриятларини амалга оширганликларининг гу-воҳи бўлдиқ.



Фермерлар ҳаётдан лавҳалар



Ютуқлар бош омили:

● **Мамлакатимиз Президенти изчил олиб бораётган иқтисодий сиёсатда аграр соҳани ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ерга, мулкка эгаллик ҳисси, меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, моддий манфаатдорлик оширилаётганлиги аграр сиёсатнинг негизини ташкил этаяпти.**

● **Қарз "ботқоғи"га ботган хўжаликлар ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликлари ўзининг афзаллигини кўрсатди.**

● **Деҳқон, фермер ишлаши учун имконият ҳам, шароит ҳам яратилди. Улар уруғликни, ўғитни, ёнилғини воситачиларсиз ўз вақтида ва меърида олдилар.**

● **Агротехник тадбирлар, хусусан, дефолиация вақтида ва сифатли ўтказилди.**

● **Моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилди.**

● **Вилоятда фермерларга 22,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит берилди. Бунда 34 та банк, 71 та минибанклар фаоллик кўрсатди.**

Пахтачиликдаги ўнгиланиш:

▲ **Вилоятда кейинги ўн беш йил ичида илк марта пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган шартномавий режа ортиғи билан бажарилди. Республикамиз пахта хирмониغا 248 минг тоннадан зиёд "оқ олтин" топширилди. Ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 6,6 центнерга кўтарилди. Яили ҳосилининг 87 фоизи юқори нави ташкил этди.**

▲ **Ҳар гектар пахта даласидан ҳатто 11-12 центнерига ҳосил олинган йиллар ҳам бўлди. Бу йил эса ҳосилдорлик ҳар гектарига 40-45 центнергача кўтарилди.**

▲ **Бунинг самараси ўлароқ, 2005 йилда вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида пахтачиликдан олинган даромад ҳисоб-китобларга кўра 64,2 миллиард сўмни, соф фойда эса 13,8 миллиард сўмни, рентабеллик 27,5 фоизни ташкил қилмоқда.**

Галлачиликдаги одимлар:

■ **Вилоятда жорий йилда галла тайёрлаш бўйича ҳам шартнома режаси тўлиқ бажарилиб, 167 минг 699 тонна ҳосил етказиб берилди. Галла етиштиришда ҳам фермерлар улуши 94 фоизга етди.**

■ **Вилоятда галлачиликдан 30,1 миллиард сўм даромад олинди. Шундан 7 миллиард 37 миллион сўми соф фойдадир. Вилоят фермер-лари ихтиёрида эса қўшимча 188,7 минг тонна галла қолди.**

Фермерлик аёлни оиладан, фарзандлар тарбияси масъуллигидан, қайсидир маънода, аёллик латофатидан йироқлаштириб қўймаймими?

Дилбар ЭРКАБОВА, "Зиёкор" фермер хўжалиги раиси, Гулистон тумани:

Оилада ўн фарзанд бўлганми. Отамиз деҳқон ўтган. Аклимини танибманки, ерга яқинман. Ерга бўлган бу меҳр туфайли мен фермерликни танладим. Аксинча, фермер бўлиб, оиламга янада яқинлашдим: болаларим, невараларим қаватимда, мен билан баробар ерга меҳр қўйишган.

Фотиما МИНГБОВА, "Исмигул-Фарангиз" фермер хўжалиги раиси, Сардоба тумани:

- Афсуски, аёлнинг ўрни фақат оилада, дегувчилар ҳамон топилади. Мана шу қарашга эш бўлиб, биз - фермер аёлларга истеҳзо билан қарайдиганлар ҳам бор.

Хўш, аёл фаол бўлса, жамиятдаги ўзгаришларга лаббай, деб жавоб берса, бунинг нимаси истеҳзоли? Аёл фақат уйда қўйилгани уй ўтказишга мажбурмас-ку!

Яна баъзилар фермер аёл эркакшоғдага айланади, дейишади. Шахсан мен аёл бўлиб, фермерчилик билан шуғулланам, латофату аёллик фазилатларидан ҳеч бирини бой бериб қўймадим, деб уялланман. Инсон - эркакми, аёлми, қатъи назар - тадбиркорлиги билан, интилиши билан оиласига, юртига фойдаси тегса, шу эмасми яшашдан мақсад?!

жуфти ҳалол эканлигини унутмасам, бас. Шундагина оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнини йўқотмайди.

Оилада ўн фарзанд бўлганми. Отамиз деҳқон ўтган. Аклимини танибманки, ерга яқинман. Ерга бўлган бу меҳр туфайли мен фермерликни танладим. Аксинча, фермер бўлиб, оиламга янада яқинлашдим: болаларим, невараларим қаватимда, мен билан баробар ерга меҳр қўйишган.

Фотима МИНГБОВА, "Исмигул-Фарангиз" фермер хўжалиги раиси, Сардоба тумани:

- Афсуски, аёлнинг ўрни фақат оилада, дегувчилар ҳамон топилади. Мана шу қарашга эш бўлиб, биз - фермер аёлларга истеҳзо билан қарайдиганлар ҳам бор.

Хўш, аёл фаол бўлса, жамиятдаги ўзгаришларга лаббай, деб жавоб берса, бунинг нимаси истеҳзоли? Аёл фақат уйда қўйилгани уй ўтказишга мажбурмас-ку!

Яна баъзилар фермер аёл эркакшоғдага айланади, дейишади. Шахсан мен аёл бўлиб, фермерчилик билан шуғулланам, латофату аёллик фазилатларидан ҳеч бирини бой бериб қўймадим, деб уялланман. Инсон - эркакми, аёлми, қатъи назар - тадбиркорлиги билан, интилиши билан оиласига, юртига фойдаси тегса, шу эмасми яшашдан мақсад?!

Фермер фирморликларга, ноҳақликларга дуч келаяптими? Уни қийнаётган муаммо(лар) нима(лар)?

Сулаймон ЙЎЛДОШЕВ, "Сайхун" фермер хўжалиги раиси, Ховос тумани, 240 гектар ер майдони бор. Асосан пахта ва галла маҳсулотларини етиштиради:



Фермер фирморликка, ноҳақликка дуч келса, ортиқча асаббозларлиги сарсонгарчиликлардан вақт ажратолмай қоладики, оқибатда ҳатто қора қозонини қайнатишга ҳам қурби етмайди... Мен ва мен таниган-билган фермерларнинг эса бугун галладан ҳам, пахтадан ҳам режада белгиланган мажбуриятларини ошиғи билан бажариб, биримиз икки бўлаяпти. Демак, ишлайман деган, ерга меҳр қўйган фермернинг йўлига гов бўладиган тўсиқлар йўқ. Унинг нафақат оиласида, қишлоғида, балки жамиятда макъеи ошиб борапти. Келинг, шу ерда мен бундан бир неча йиллар олдин дуч келганим - бир ҳолатни айтиб берай.

Очиги, бизнинг ерларимиз бироз ноҳор: шурланиш қучли, сув танқислиги сезиларли. Агар бу ернинг "қўқисига қўққисига" дардида дармон бўлмасанг, у икки дунёда ҳам сен қутаётган ҳосилини бермайди. Шунинг учун ҳам мен алмашлаб экишни йўлга қўйиш ниятида "ер оғина бўлса ҳам қучга кирсин", деб беда эктирдим. Аммо, ҳеч эсимдан чиқмайди, 5 май кунини туманининг собиқ раҳбарлари келишиб, тизза бўйи экинимни ер билан битта қилиб текислабди ташладилар. Бу ёлғиз меҳнатимимас, балки кадримни тепкилаш билан баробар эди. Ана шунда фермерчиликни танлаб (асли иқтисодчиман), ҳатто қилдимикан, дея иккиландим. Айни пайтда иқтисодчи сифатида бир кун келиб фермер мамлакатнинг етқиқи азосига айланганини ҳис қилардим. Шукрки, ана шу кун кўп куттирмади. Бугун фермерга қаратилаётган эътибордан қўнғим тўлади.

Тўғри, бугун ҳам фермерни қийнаётган муаммолар йўқ, деб айтлолмаймиз. Масалан, мен пахта ҳосилини "Пахтазавод"га ёки галлани "Донмаҳсулот"га шартномада кели-

шилган бўйича топширдим - шартнома шартларини бажардим. Бироқ, иккинчи томоннинг ўз мажбуриятини бажаришни пойсалга солиши, яъни менга лозим бўлган маблағни баъзан жудаям кечиктириб тўлаши ҳамон кузатишмоқда. Бу маблағ билан мен ўғитдан, ёнилғидан, солиқдан бўлган қарзларимни ўз вақтида тўламоқчи бўламан-у, у кечикверган, ўз навбатида менинг ҳам қарзларини ўз вақтида тўламаганим сабаб бўйимига осилган жарима кун сайин ошаверади... Худди шу сабаб билан ҳисоб қарангизда миллионлаб пули бор-у, аммо чўнтағида елвизак ўйнайдиган фермерлар бор. Маблагсиз фермернинг эса иши унмайди.

Абдуқамом ЭШОНҚУЛОВ, "Ғайрат" фермер хўжалиги раиси, Гулистон тумани, 78,5 гектар ер эгаси:

Фермернинг иқтисодий, юридик ва агротехник билими бўлса ва у шу билимга таяниб иш кўрса, ҳар қандай фирморлиги ноҳақлик уни четлаб ўтади. Бир нарсани мен аниқ биламан, боқиманда кайфиятидаги одам ҳеч қачон фермер бўлолмайди. Фермер бўламан, деб интиланган чоғда ҳам, ўз укувсизлиги боис аросатда қолиб қетади.



Бугун соҳада яратилаётган шароитлар (дейлик, кредит системасининг жорий қилиниши, таъминотнинг тартибга келтирилиши) ва бундан руҳланиб, меҳнатдан чарчамётган фермернинг рўзғори тўқин, қадри баландлигини кўриб, ер эгаси бўлишга интилайётганлар кўп. Лекин бугун фермерчиликда сон эмас, сифат муҳимлигини ҳам унутмаслик керак. Чунки сифат бор жойда рақобат, рақобат бор жойда эса ривожланиш бўлади. Фирморлик ёки ноҳақликка дуч келдим, дея айохансон солиш энди ўзини оқламайди. Айтмоқчиманки, ишлайман, деган фермерга имкон бор, гап ана шу фермернинг билимида, иланишида ва шижоатида.

Ушбу саҳифада сирдарёлик фермерларнинг ютуқ ва муаммолари, шодлиги ташвишлари ҳақида сўз юритилди. Кўпчилик фермерларнинг фикр-мулоҳазаларидан шу нарсам маълум бўлмоқдаки, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши айнан фермерларнинг бугунги савий-ҳаракати, фаолиятига боғлиқ.

Ф. МАҲКАМОВА, Ш. ХОЛМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари.



Ўзбекистонни тарк этди

Ўзбекистон терма жамоасини Жаҳон чемпионати плей-офф баҳсларига олиб чиққан англиялик мураббий Боб Хоутон ўз лавозимини тарк этди.



УФФ ва Боб Хоутон томонидан тузилган тўрт ойлик шартнома ўз якунига ет-

ди. Боб Хоутон 2005 йилнинг июл ойида терма жамоани бошқаришга таклиф этилган эди.

Унинг етакчилигида футболчиларимиз дастлаб Кувейтга, кейин Бахрайга қарши ҳал қилувчи ўйинларда майдонга тушди.

Хабарларга кўра, Боб Хоутон Хитой олимпиада терма жамоасида фаолиятини давом эттириши мумкин.

Дилшод кумуш медал соҳиби

Хитойнинг Маньян шаҳрида ўтказилган ҳаваскор боксчилар ўртасидаги XIII Жаҳон чемпионати якунида.

Ушбу мусобақада ватанимиз шарафини ўн бир вазн тоифасидаги спортчилар ҳимоя қилишганди.

Улар ичида қатор нуфузли турнирлар ғолиблари, Афина Олимпиадаси совриндорлари ҳам борлиги вакилларимиз имконият-

ларини юқори баҳолашга асос бўлганди.

Лекин фақатгина Дилшод Махмудов (64 килограмм) финалгача етиб келди. Ҳал қилувчи баҳсда аса у қозғонистонлик Серик Салиевга очколар ҳисобида имкониятни бой берди ва кумуш медалга эгалик қилди.

Афина Олимпиадаси бронза медали соҳиби Ўткирбек Хайдаров (81 килограмм) Маньянда ҳам бронза билан тақдирланди. Чорак финалда россиялик Егор Мехонцевни мағлубиятга уратган ҳамюртимиз ярим финалда қозғонистонлик Ердош Жанабегоневга очколар ҳисобида ютқазиб қўйди.

91 килограммга бўлган вазнда жанглар ўтказган Жасур Матчонов ҳам ярим финалда имкониятни бой берди. Чорак финал баҳсида латвиялик таниқли ҳаваскор боксчи Виталиос Субачюсни мағлубиятга уратган Жасур кейинги жангда озарбайжонлик Элчин Ализодадан мағлуб бўлди.

"Айни дамда мен керакман!"

Профессионал боксинг суперроғир вазнида жаҳоннинг собиқ мутлақ чемпиони Леннокс Льюис ҳозирча спортга қайтишга шояшмайпти.

Хорижий ОАВ Виталий Кличко боксини тарк этгач, Льюис яна профессионал спортга қайтиши мумкинлиги ҳақида жар сола бошлаганди.

Лекин Буюк британиялик спортчи юқоридаги миш-мишларни инкор этиб, ҳали ўз қарорини ўзгартириш нияти йўқлигини маълум қилди. АҚШнинг Кентукки штати Луисвилл шаҳрида Муҳаммад Али музейи очилиш маросимида у бу фикрини яна журналистлар учун такрорлади.

Таъкидлаб ўтиш лозим, Льюис Виталий фаолиятини аяқлагандан сўнг "Мен ҳамма нарсани ўзимга қайтаришим мумкин, суперроғир вазнда айни дамда мен керакман. Лекин қайтишга ҳозирча шояшмайганим йўқ", деб айтиб ўтганди.

"Интер" ва "Ливерпул" кейинги босқичда

Чоршанба кунини Чемпионлар лигаси "Е", "F", "G", "H" гуруҳларида 5-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

"Е" гуруҳи: "Шальке-04" - ПСВ "Эйндховен" 3:0
Голлар: Кабишвили 18 (пенальти), 72, 79 (пенальти)
"Фенербахче" - "Милан" 0:4
Голлар: Шевченко 16, 52, 70, 76
Бу гуруҳдан кейинги босқичга чиқиш



учун "Милан" (8 очко), "Шальке-04" (8 очко) ва ПСВ "Эйндховен" (7 очко) жамоаларида яхшигина имконият бор. Туркиянинг "Фенербахче"си учун эса 2005-2006 мавсумдаги чемпионлар лигаси ўз якунига етди.

"F" гуруҳи: "Реал" - "Лион" 1:1
Голлар: Гуту 41; Карью 72
"Русенборг" - "Олимпикос" 1:1
Голлар: Хельстад 88; Ривалдо 25
Ушбу гуруҳдан "Лион" ва "Реал" аллақачон 1/8 финални нақд қилган. Норвегиянинг "Русенборг"и УЕФА Кубогида тўт суратиданга ўхшайди.

"G" гуруҳи: "Ливерпул" - "Бетис" 0:0
"Андерлехт" - "Челси" 0:2
Голлар: Креспо, Корвалю 15
"Ливерпул"нинг "Бетис" билан дуранг ўйнаши кейинги босқичга чиқиш учун етарли бўлди. "Челси" ҳозирча 10 очко жамғариб, иккинчи бўлиб турибди.

"H" гуруҳи: "Интер" - "Артмедиа" 4:0
Голлар: Фигу 28, Адриано 41, 59, 74
"Порту" - "Глазго Рейнджерс" 1:1
Голлар: Лисандро Лопес 60; МакКормак 83

"Интер" 12 очко жамғариб, кейинги босқич масаласини ҳал қилди. Иккинчи урин учун эса "Глазго Рейнджерс", "Артмедиа" ва "Порту" клубларида бир хил имконият бор.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Ирригация, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва магистрантлар ДИҚКАТИГА!

Тошкент ирригация ва мелиорация институтини етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 26 мартдаги 79-сонли буйруғига асосан очик лекциялар ўтказилиши тўғрисида ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Table with 6 columns: №, Маърузачининг фамилияси, исми, шарифи, نامий даражаси ва унвони, Маъруза мавзуси, Сана, Ҳуқуқ корпуси, аудитория рақами ва вақти, Маъруза тили. It lists various courses and lecturers in irrigation, melioration, and water management.

* Шу соҳада фаолият юритаётган ишлаб чиқариш мутахассислари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва магистрантлар очик лекцияларга таклиф этилади. ИНСТИТУТ ҲУҚУҚ-МЕТОДИКА БЎЛИМИ

Об-ҳаво

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 25 ноябр кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғири бўлади. Фардан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаги 2-4, кундузи 6-8 даража илқ бўлади.

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёғингарчилик бўлади. Фардан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаги 4 даража совуқ билан 1 даража илқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғири бўлади. Фардан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаги 0-5, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғири бўлади. Фардан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаги 1-6, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғири бўлади. Фардан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаги 1-6, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғири бўлади. Фардан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаги 3-8, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғири бўлади. Фардан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаги 2-7, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

АНКЕТА ВЫПУСКА ПРОСТЫХ ИМЕННЫХ БЕЗНАЛИЧНЫХ АКЦИЙ ОАО СП "QOR DEMIR TEKSTIL"

Table with 2 columns: Question (e.g., Полное и сокращенное наименование), Answer (e.g., Открытое акционерное общество в форме совместного предприятия "QOR DEMIR TEKSTIL").

II. Сведения о предстоящем выпуске ценных бумаг

Table with 3 columns: Item number (e.g., 1.1), Description (e.g., Объем выпуска), and Value (e.g., 167 250 000).

Advertisement for agricultural machinery from the Korkhona (factory) featuring various tractor models and their specifications.

Advertisement for tires and batteries from the company 'SHINALARNI COMAGU' and 'akкумуляторларни WESTA'.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан 2005 йил 5 мартдаги баённомага асосан "Бентонит" қўшма корхонасига берилган № 0000006 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ' (Editor Otkir Rahmat).

Advertisement for 'МУАССИСЛАР' (Associations) and 'ТЕЛЕФОНЛАР' (Phone numbers).

Advertisement for 'ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ' (Regional Correspondents) and 'РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР' (Advertising and Announcements).